

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 21 январь, № 14 (7794) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


**Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

# ЯНГИ РЕНЕССАНС ДАВРИ САРИ ҲАРАКАТЛАР АЛГОРИТМИ

*Президентнинг парламентга Мурожаатномаси — том маънода тарихий ҳужжат бўлиб, такрор ва такрор ўқишни, ўрганишни талаб қилади. Унда илгари сурилган ҳар бир ғоя янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлидаги алоҳида қадамдир. Бу қадамлар амалий ишларимизда намоён бўлади, узоқ муддатга мўлжалланган натижаларни таъминлаб, халқимиз ҳаётида ижобий ўзгаришлар ясайди.*

*Мамлакат раҳбарининг ана шундай мулоқот шакли давлат ва жамият бирлигини мустаҳкамловчи муҳим омил бўлиб, ҳар биримизда Ватанимиз тақдирига дахлдорликни, ислоҳотлар натижаси учун масъулият ҳиссини кучайтиради.*

*Кейинги тўрт йил давомида биз бунга амин бўлдик. 2017 йилдан бошлаб анъанага айланган Мурожаатнома стратегик аҳамиятга эга ҳужжат сифатида Ўзбекистон тараққиётида янги босқични бошлаб беради. Шу боис у турли касб эгалари, ёшу кексалар томонидан меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда фаол ўрганилмоқда.*

*Халқаро ҳамжамият ҳам давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасига Ўзбекистоннинг нафақат келгусидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётини, балки унинг жаҳон саҳнасидаги ролини белгилаб берувчи ўзига хос "Йўл харитаси" сифатида катта эътибор қаратмоқда.*







**Мушоҳада**

Туркиянинг Йозгат университети бошқарув ва иқтисодий билимлар факультети декани, профессор Куршад Зорлу бир неча марта Марказий Осиё мамлакатларида бўлган, минтақа ҳақида кўпгина мақола ва китоблар ёзган. Экспертнинг эътироф этишича, Ўзбекистон раҳбариятининг ислоҳотлари ноёб ва бутун минтақа учун аҳамиятлидир. Улар замонавий, кучли Ўзбекистонни барпо қилишда фуқаролик жамияти ҳам фаол иштирок этиши учун шароитлар яратиб беряпти.

***— Олий Мажлисга Мурожаатномада давлат раҳбари мавжуд муаммоларни айтиш билангина чекланмасдан, уларни бартараф этишнинг тўла асосланган йўл-йўриқларини ҳамда мамлакат келгуси тараққиётининг дастурий чораларини белгилаб берди, — дейди Куршад Зорлу. — Бу ҳужжат туб ислоҳотлар миқёсининг кенгаяётганини кўрсатади ва кутилганидек, хорижда катта қизиқиш уйғотмоқда. Биз қардошларимизнинг ютуқларидан, улар эришаётган натижалардан жуда хурсандмиз. Ишончимиз комилки, мамлакат халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган ҳолда, бундан кейин ҳам ривожланишда давом этади.***

Президент илгари сурган ғояларда ҳаётнинг ўзи, унинг ҳақиқатлари акс этиб турибди. Ўтган йиллардан фарқли равишда, 2020 йилда Мурожаатнома бутун инсоният коронавирус пандемияси аталмиш глобал офатни бошидан ўтказаётган мураккаб бир даврга тўғри келди. Шавкат Мирзиёев бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаганлигини айтиб ўтди. Афсуски, чиндан ҳам шундай. Дунёда миллионлаб кишилар касалланди, улардан 2 миллиондан ортиғи вафот этди. Жаҳон иқтисодиёти катта зарар кўрди, миллионлаб иш ўринлари йўқотилди.

Ўзбекистонда эса бу хавфли инфекция билан бир қаторда, Бухоро ҳамда Сардобада юз берган табиий ва техноген офатлар ҳам халқнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди. Ушбу қийинчиликларни енгиб ўтишда, Президентимиз айтганидек, халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ҳамда давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари асосий роль ўйнади.

➡ 4

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 24 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 6 январда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади маданий фаолият, шунингдек маданият ташкилотлари фаолияти соҳасидаги (бундан буён матнда маданий фаолият соҳасидаги деб юритилади) муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчилик**

Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ижодкор** – касбий ёки нокасбий асосда (ҳаваскорлик асосида) маданий фаолиятнинг бир ёхуд бир неча йўналиши бўйича ижодий фаолият билан шуғулланувчи жисмоний шахс;

**ижодий жамоа** – ижодкорлардан ва бошқа мутахассислардан таркиб топган, маданий фаолиятнинг бир ёки бир неча йўналиши бўйича ижодий фаолият билан шуғулланиш учун ташкил этилган касбий ёки нокасбий жамоалар (ҳаваскорлик жамоалари);

**ижодий фаолият** – маданият объектларини барпо этишга, такрорлашга, тарқатишга, тиклашга ёки сақлашга, шунингдек маданиятни ривожлантиришга доир фаолият;

**маданий тадбирлар** – маданий фаолият соҳасидаги маданий-томоша тадбирлари, маданий-маърифий, маданий-оммавий ва бошқа тадбирлар;

**маданий тадбир ташкилотчиси** – ташаббусига кўра маданий тадбир ўтказиладиган ва (ёки) бундай тадбирга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир ташкилий ёки молиявий ёхуд моддий таъминотни амалга оширадиган юридик ёки жисмоний шахс;

**маданият ходими** – ўз касбий фаолиятини маданият ташкилотларида амалга оширувчи жисмоний шахс.

**4-модда. Маданий фаолият соҳасидаги асосий принциплар**

Маданий фаолият соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги;

ижодий фаолият эркинлиги;

миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш;

маданиятлар хилма-хиллиги;

маданиятлараро муносабатларда тенг ҳуқуқлилик;

маданий фаолият соҳасидаги таълим ва тарбиянинг тизимлилиги, илмийлиги ҳамда узлуксизлиги.

**(Давоми 2, 3-бетларда).**

**Қонунчилик палатаси қўмитасида**

## ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИНИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМИСИЗ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

*Йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар таҳлилига кўра, юртимиз ҳудудида 2018 йилда 13 минг 701 та, 2019 йилда 24 мингдан сал зиёд, 2020 йилда 16 минг 23 та тан жароҳати билан боғлиқ бўлмаган йўл-транспорт ҳодисаси юз берган. Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликлар Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан расмийлаштирилиб, тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун суд идораларига юборилган. Йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиларининг 40 фоизи бир-бирига эътирози йўқлиги ва мақсади суғурта товонини олиш эканлигини билдирган.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди.

Йиғилишда "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга доир қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Депутатларнинг таъкидлашича, амалдаги қонунчиликда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда Йўл патруль хизмати инспектори чақирилиб, ҳужжатлар расмийлаштирилади, тиббий наркологик текширувдан ўтказилади ва суғурталовчига хабар берилади. Терговга қадар текширув, турли экспертизалар, суд жараёни тамомланиб, иштирокчиларнинг ўзлари шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда транспорт воситаларининг ҳужжатлари, экспертиза хулосаси, терговга қадар текширув, суд қарорларини тўплаб суғурталовчига тақдим этади. Суғурталовчи ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, товон тўлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун ўртача 30 — 50 кун сарфланади ва бу фуқароларнинг ортиқча сарсонгарчилигига ҳамда қўшимча харажатларга сабаб бўлади.

Қонунга киритилаётган янги нормалар билан йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида билдиришнома тузиш орқали тан жароҳати билан боғлиқ бўлмаган йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими иштирокисиз расмийлаштириш бўйича соддалаштирилган тартибни белгилаш назарда тутиляпти.

Хусусан, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда иштирокчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимисиз билдиришнома тўлдириб, тиббий наркологик текширувдан ўтади ва транспорт воситаларини техник шикастини баҳолаш экспертизасидан ўтказиб, 3 кун ичида суғурталовчига ариза тақдим қилади. Суғурталовчи ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, 15 кун ичида товон тўлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

➡ 3

## ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ БЎЛИШ қалбларни ғурур ва ифтихорга тўлдиради

*Шундай ҳужжатлар борки, у инсоннинг кимлигини, миллати, жинси, умуман, ижтимоий келиб чиқиши ҳақида энг зарур маълумотларни ўзида умумлаштиради. Усиз ҳеч бир киши конституциявий ҳуқуқларидан фойдалана олмайди. Англаганингиздай, гап фуқаролик паспорти ҳақида бормоқда.*

*Инсон туғилиши билан унга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома берилиши ва вояга етганидан сўнг эса фуқаролик паспорти тақдим қилиниши ҳам бежиз эмас. Бу инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг қонуний ҳимоясига қаратилган. Яна бир муҳим жиҳати борки, бу ҳам бўлса, ҳар бир инсон учун фуқаролик паспортига эга бўлиш энг катта ғурур туйғусини бахш этади. Аммо у ушбу муҳим ҳужжатларга эга бўлмаса-чи?*

*Бу ҳақда жуда кўп гапириш мумкин. Мухбиримиз мазкур йўналишда юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Шуҳрат ХОДЖАЕВ**нинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.*

**Бизнинг интервью**

— Бош бошқарма томонидан соҳада самарадорлик, сифат ҳамда қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Аҳолини Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти билан ҳужжатлаштириш 1995 йил 1 январдан йўлга қўйилган бўлса, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) ва Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг талабига асосан ҳамда чегаралардан ўтишда қулайликлар яратиш мақсадида 2011 йилдан 2020 йилгача фуқароларга биометрик ва биографик маълумотларни ўзида жамлаган электрон ахборот ташувчи (чип)га эга бўлган биометрик паспорт расмийлаштирилди.

Фуқароларимиз хорижга чиқиши учун талаб қилинган 2 йилга берилган чет элга вақтинча чиқиш рухсатнома стикерини расмийлаштириш тартиби 2019 йил 1 январь кунидан бекор қилинди ва бир неча афзалликларга эга бўлган халқаро талабларга мос келувчи, амал қилиш муддати 10 йил бўлган "Хорижга чиқиш биометрик паспорти"ни бериш жорий этилди.

➡ 3

## МАЪНАВИЯТ ИМОН-ЭЪТИҚОДНИ БУТУН ҚИЛАДИ

*Кейинги йилларда юртимизда миллий маданиятни янада ривожлантириш бўйича қатор қарорлар қабул қилиниб, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш йўлида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу ўзгаришлар маънавий-маърифий ишларни давлатимиз сиёсатида янада юксак ўринга кўтаргани айни ҳақиқат.*

**Муносабат**

Аммо бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Инсоният учун катта имкониятлар билан бирга, кутилмаган муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Ачинарли жиҳати, миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ҳамда хатарлар тобора ортиб бораётир.

Табиийки, бундай таҳликали вазиятда ёшларни маънавиятли қилиб тарбиялаш, уларни китобга қайтариш, мутолаа маданиятини манзилли қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш энг асосий масала ҳисобланади. Чунки баркамол авлодни вояга етказишда китобнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Айнан мутолаа инсонга билим беради, дунёқарашини кенгайтиради, фикрлашни ўргатади, маънавий оламини бойитиб, имон-эътиқодини кучайтиради.

Шу жиҳатдан, бугун бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш ҳаётий заруратдир. Қолаверса, кутубхоналарда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган адабий асарлар сонини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадга мувофиқдир.

Шу йилнинг 19 январь куни Президентимиз раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари "Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир" дея алоҳида таъкидлади.

Айни чоғда ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилишни даврнинг ўзи талаб этаётгани, жамиятимизда маънавий-маърифий ишлар шундай асосда йўлга қўйилмагани учун ҳам кутилган натижани бермаётгани, Республика Маънавият ва маърифат маркази ишини танқидий ўрганиб чиқиб, фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

➡ 3

## ҚОНУНЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг видеоконференцалоқа тарзида мажлиси бўлиб ўтди.*

**Олий Мажлис Сенатида**

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Қонун билан жиноят ишининг терговга тегишлилиги масаласини ҳал қилишда биринчи навбатда, тергов органларининг асосий вазифалари ва фаолиятининг муҳим йўналишлари, тизимда шаклланган тажриба, мавжуд куч ва имкониятларига эътибор қаратилди.

Хусусан, прокуратура фуқароларнинг ҳаёти, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳамда бошқа коррупцион ва мансабдорлик жиноятлари, ички ишлар органлари томонидан эса одамларнинг соғлиғи, мол-мулки, жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган, давлат хавфсизлик хизмати мамлакат конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ҳамда бошқа манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга ошириши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Ҳужжатда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатларидир. Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатларидир.

Қонун билан 300 дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг давлат тили матнидаги тегишли моддаларига қонун ижодкорлиги ва қонунчилик соҳасида ишлатилиши лозим бўлган атамалар билан боғлиқ ўзгартишлар киритилмоқда.

* * *

Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг видеоконференцалоқа тарзидаги мажлисида эса илмий фаолиятни ривожлантириш учун кўрилаётган чоралар ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

➡ 3

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## 2-боб. Маданий фаолият соҳасини тартибга солиш

### 5-модда. Маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

маданиятни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

тарихий ва маданий мероснинг бут сақланишини таъминлаш, шунингдек халқ ижодиётини қўллаб-қувватлаш;

маданий фаолият соҳасига давлат-хусусий шерикликни жорий этиш;

аҳолининг маданий эҳтиёжларини қаноатлантириш ва маданий хизматлар сифатини яхшилаш;

аҳолининг, шу жумладан ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш ва уларни яхшилаш;

ёш истеъдодларни ўқитиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

маданий фаолият соҳасида зарур шарт-шароитларни ва соғлом рақобат муҳитини яратиш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### 6-модда. Маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи органлар

Маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи органлар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган давлат органлари ва ташкилотлар маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда қонунчиликка мувофиқ иштирок этади.

### 7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

маданий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

маданий фаолият соҳасидаги давлат дастурлари ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

давлат маданият муассасалари ва ташкилотларини ташкил этади, қайта ташкил этади ҳамда тугатади;

концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди;

давлат бошқаруви органларининг маданий фаолият соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 8-модда. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан мониторинг юритади, уни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъати ривожланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасида ва хорижий мамлакатларда касбий ҳамда ҳаваскорлик санъати фестиваллари, кўрик-танловлар, шунингдек кўргазмалар ўтказилишини ташкил этади;

маданият ва санъат соҳасидаги юксак ютуқлар учун мукофотлар таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

маданият ва санъатни ривожлантиришга доир мақсадли дастурларни ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлайди;

маданият ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича чоралар кўради;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда маданий фаолият соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантиришга кўмаклашади;

драматик, мусиқали, мусиқали-драматик асарларни, тасвирий ва амалий санъат асарларини ҳамда ҳайкалтарошлик асарларини яратишга доир давлат буюртмасини амалга оширади;

маданиятшуносликни, театршуносликни, санъатшуносликни, мусиқашуносликни ва маданий фаолият соҳасидаги бошқа илмий йўналишларни ривожлантириш, олий таълим ташкилотларида ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрланишини такомиллаштириш юзасидан чоралар кўради;

вазирликларнинг, идораларнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг маданият ва санъат соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

истеъдодли ёшларни ва истиқболли ижодий жамоаларни аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлашга доир тадбирлар мажмуини амалга оширади;

халқаро маданий алоқаларни амалга оширади ва ривожлантиради;

тармоқларга оид бадиий кенгашларни ташкил этиш ва шакллантириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Вазирликлар ва идоралар тасарруфида бўлган маданият объектларига доир қарорлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишувга кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилинади.

### 9-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг ваколатлари «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.

### 10-модда. «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги кинематография соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги:

кинематография соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

кинематография соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

кинематография ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

кинематография соҳасига халқаро ва давлатлараро стандартларни жорий этишга доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фильмларни намойиш этиш, сифатли хизматлар кўрсатиш ва киножиҳозлардан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқади;

кинематография маҳсулотининг бадиий ва мафкуравий даражасини ошириш бўйича чоралар кўради.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 11-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

маданий фаолият соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

тегишли ҳудудда жойлашган маданият муассасалари ва ташкилотларига кўмаклашади;

маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда иштирок этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 12-модда. Фуқароларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг маданий фаолиятда иштирок этиши

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

маданий фаолият соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

маданий фаолият соҳасидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

фуқароларнинг маданиятини юксалтиришга доир ишларни амалга оширишда иштирок этади;

маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

### 13-модда. Тармоқларга оид бадиий кенгашлар

Тасарруфида маданият ташкилотлари бўлган давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек маданият ташкилотлари томонидан театр, мусиқа ва концерт фаолияти, цирк санъати ва тасвирий санъат, архитектура ва дизайн бўйича тармоқ бадиий кенгашлари ташкил этилади.

Тармоқларга оид бадиий кенгашлар маслаҳат органлари ҳисобланади.

Тармоқларга оид бадиий кенгашлар таркибига, қоида тариқасида, таниқли ижодкорлар, маданият ходимлари, олимлар, мутахассислар, маданият ташкилотлари ассоциацияларининг (уюшмаларининг) вакиллари киради.

## 3-боб. Маданий фаолият соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлар

### 14-модда. Фуқароларнинг маданий фаолият соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маданият ютуқларидан фойдаланиш ва жамиятнинг маданий ҳаётида иштирок этиш;

ижодий жамоалар таркибида ёки мустақил равишда, касбий ёки нокасбий (ҳаваскорлик) асосда ижодий фаолият билан шуғулланиш;

ўз эҳтиёжларига, манфаатлари ва қобилиятига (имкониятларига) мувофиқ маданий фаолият йўналишларини эркин танлаш;

ўз мулкида турган маданий бойликларга қонунчиликда белгиланган тартибда эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;

маданий-оммавий тадбирлар жараёнида қонунчиликда тақиқланмаган турли рамзлардан ва ўз фикрини ошкора ифода этишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда маданият объектларига бориш, Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари, ахборот-кутубхона муассасалари ҳамда ахборот-кутубхона ресурслари, шунингдек архив ҳужжатлари билан танишиш.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари:

Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраши;

маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиши;

Ўзбекистон халқининг ҳамда унинг ҳудудида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг миллий маданиятини, анъаналарини ва тилини ҳурмат қилиши;

маданий-оммавий тадбирлар ва бошқа маданий тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини сақлаши, шунингдек умум қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этиши шарт.

### 15-модда. Чет эл фуқароларининг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маданий фаолият соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маданий фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқлардан фойдаланади ва зиммасида мажбуриятлар бўлади.

### 16-модда. Маданий фаолият соҳасидаги мулк ҳуқуқи

Ҳар бир шахс маданий фаолият соҳасида мулк ҳуқуқига эга.

Мулк ҳуқуқи тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ашёларга, шунингдек моддий маданий мерос объектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин.

Тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ашёларни, шунингдек моддий маданий мерос объектларини олиш тартиби, уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишнинг ўзига хос хусусиятлари қонунчиликда белгиланади.

### 17-модда. Маданий фаолият соҳасидаги муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар

Маданий фаолият соҳасида фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш (муаллифлик ҳуқуқи) ҳамда улардан фойдаланиш, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали эшиттириш ва намойиш этиш ташкилотларининг эшиттиришлари ҳамда кўрсатувларини яратиш ва улардан фойдаланиш (турдош ҳуқуқлар) билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатлар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

Ижодий фаолият билан касбий ва нокасбий асосда (ҳаваскорлик асосида) шуғулланувчи ижодкорлар муаллифлик ҳуқуқи ҳамда турдош ҳуқуқлар соҳасида тенг ҳуқуқларга, шунингдек интеллектуал мулк ҳуқуқига, ўз ижодий фаолиятининг натижаларини эркин тасарруф этиш, давлат томонидан қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга.

### 18-модда. Ижодий фаолият натижаларини олиб чиқиш ва олиб кириш ҳуқуқи

Юридик ва жисмоний шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ўз ижодий фаолияти натижаларини кўргазмага қўйиш, оммага кўрсатишнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш, шунингдек уларни сотиш мақсадида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳуқуқига эга.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда маданий бойликларни олиб чиқиш ҳамда олиб кириш маданий бойликларни олиб чиқиш ва олиб кириш тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

### 19-модда. Ўзбекистон Республикасида яшовчи миллатлар ва элатларнинг маданиятини, урф-одатларини ҳамда анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш

Ўзбекистон Республикасида яшовчи миллатлар ва элатлар ўз маданиятини, урф-одатларини, анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантириш, шунингдек ўз маданий-тарихий муҳитини тиклаш ва сақлаш ҳуқуқига эга.

## 4-боб. Маданий фаолият соҳасидаги айрим фаолият турларини амалга ошириш

### 20-модда. Маданий-оммавий тадбирлар

Аҳолини маданий тадбирларда иштирок этиш учун жалб қилишга, маданиятга эриштиришга ва аҳоли ўртасида юксак даражадаги маданиятни шакллантиришга қаратилган маданий тадбирлар маданий-оммавий тадбирлар жумласига киради.

Маданий-оммавий тадбирлар оммавий тадбирларни ўтказиш учун махсус мўлжалланган ёки мослаштирилган, ёнғинга қарши хавфсизлик, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, эвакуация қилиш тизимларига қўйиладиган коммуникация, муҳандислик-техник ҳимоя воситалари ва бошқа воситалар ҳамда маданий-оммавий тадбирлар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тизимлари билан жиҳозланганликнинг ягона норматив-ҳуқуқий талабларига мувофиқ бўлган очиқ жой участкаларида, биноларда, иншоотларда ҳамда бошқа жойларда (маданий-маърифий муассасаларнинг, спорт мажмуаларининг биноларида) ўтказилиши мумкин.

Маданий-оммавий тадбирлар оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатномалар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

Маданий-оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга, шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб этишга, шунингдек ўзга шахсларнинг ҳуқуқларини камситишга қаратилган плакатлар, тимсоллар, транспарантлардан ва бошқа ашёлардан фойдаланиш тақиқланади.

Маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказишга доир рухсатномаларни бериш тартиби қонунчиликда белгиланади.

### 21-модда. Концерт-томоша фаолияти

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда унинг ташқарисида концерт-томоша фаолияти Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги берадиган концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир лицензия асосида жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Концерт-томоша фаолиятини амалга оширишга доир лицензия талаблари ва шартлари жумласига қуйидагилар киради:

концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка мажбурий равишда риоя этиш;

ижрочиларнинг қонунчиликда белгиланадиган мезонлар ва малака талабларига мувофиқ бўлиши;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан аҳолига концерт-томоша хизматларини қонунчиликда назарда тутилган талабларга мувофиқ кўрсатиш;

концерт-томоша тадбирларида, тўйларда ва бошқа тантаналарда санъаткорнинг одоб-ахлоқ қоидаларига, саҳна маданиятига ҳамда ташқи кўриниш маданиятига зид бўлган хатти-ҳаракатлар амалга оширилишини, маънавиятга салбий таъсир кўрсатадиган ҳамда томошабинларнинг ҳис-туйғуларини ҳақорат қиладиган ахлоқсизлик ғояларини тарғиб қилишни истисно этган ҳолда миллий менталитетга, миллий қадриятлар ва урф-одатларга мувофиқ бўлган қўшиқларни ҳамда улар бўйича яратилган видеоклипларни ижро этиш;

ўтказилган концерт-томоша тадбирларининг сони тўғрисида лицензияловчи органнинг ҳудудий бўлинмаларига лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган шакл бўйича choraклик ҳисоботлар тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида концерт-томоша тадбирларини амалга ошириш тўғрисида лицензияловчи органни ёзма равишда хабардор қилиш;

концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун давлат божи тўлаш.

### 22-модда. Ижодий жамоаларнинг ва ижрочиларнинг гастроль фаолияти

Ижодий жамоаларнинг ва алоҳида ижрочиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги гастроль фаолияти буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

Ижодий жамоаларнинг ва ижрочиларнинг хорижий мамлакатлар ҳудудидаги гастроллари муаллифлик ҳуқуқига ва турдош ҳуқуқларга риоя этилишини таъминлайдиган шартномалар асосида амалга оширилади.

### 23-модда. Ижодий буюртма

Ижодий буюртма давлат органлари ва ташкилотларининг ижодий жамоалар ёки ижодкорлар томонидан қуйидагиларни яратишга доир буюртмасидан иборатдир:

оммавий ижро этиш учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик, адабий асарларни;

ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат асарларини;

бадиий, рассомлик, кинематографик ва театр асарларини;

Ўзбекистон халқининг кўп асрлик тарихини, миллий ва умумжаҳон қадриятларини акс эттирувчи бошқа асарларни.

Ижодий буюртмани бажарганлик учун ижодий жамоаларга ёки ижодкорларга муаллифлик ҳақини тўлаш миқдори ва тартиби қонунчиликда белгиланади.

### 24-модда. Халқ ижодиёти

Халқ оғзаки ижодиёти, халқ мусиқаси, халқ театри (қўғирчоқбозлик), бадиий ҳаваскорлик халқ ижодиёти жумласига киради.

### 25-модда. Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати

Жисмоний ва юридик шахсларнинг асосан қўл меҳнати усулида, анъанавий асбоб-ускуналар ҳамда мосламалардан фойдаланилган, шунингдек тегишли билимлар ҳамда кўникмалар қўлланилган ҳолда буюмлар ва асарларни яратишга доир фаолияти халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати жумласига киради.

### 26-модда. Ўзбекистон халқ ўйинлари

Халқ ўйинларининг миллий ва ижтимоий-маданий йўналишга эга бўлган турлари (дорбозлик, ёғоч оёқда юриш билан боғлиқ ўйинлар ва бошқалар) Ўзбекистон халқ ўйинлари жумласига киради.

## 5-боб. Маданий фаолиятни ташкил этиш

### 27-модда. Маданият ташкилотлари

Маданий фаолият соҳасидаги фаолиятни асосий фаолият тури сифатида амалга оширувчи юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси маданият ташкилотидир.

Маданият ташкилотлари давлат маданият муассасалари ва ташкилотлари ёки нодавлат маданият ташкилотлари шаклида ташкил этилиши мумкин.

Давлат мулкида турган мулк негизида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ташкил этилган муассасалар ва ташкилотлар давлат маданият муассасалари ва ташкилотлари жумласига киради.

Маданий фаолият соҳасидаги фаолиятни асосий фаолият тури сифатида амалга оширувчи нодавлат ташкилотлар нодавлат маданият ташкилотлари жумласига киради.

Маданият ташкилотлари фаолиятининг турлари уларнинг муассислари томонидан белгиланади ҳамда уставда ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжатларида кўрсатилади.

Давлат муассасалари ва маданият ташкилотлари ўзида сақланаётган маданий бойликлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек театр саҳна асарларининг ва (ёки) ижодий дастурларнинг мавсумий репертуаридан чиқарилган аудиовизуал ёзувларни қонунчиликда белгиланган тартибда электрон ахборот ресурсларига жойлаштиради.

### 28-модда. Маданият ташкилотларининг асосий тоифалари

Маданият ташкилотлари маданий фаолиятнинг турларига қараб қуйидаги тоифаларга бўлинади:

маданий-томоша ташкилотлари;

маданий-маърифий ташкилотлар;

бошқа маданият ташкилотлари.

Фаолиятининг асосий тури саҳна санъати асарларини яратишдан ва уларни омма олдида намойиш этишдан иборат бўлган маданият ташкилотлари (театрлар, филармониялар, цирклар, концерт ташкилотлари (профессионал ижодий жамоалар, мусиқий жамоалар ҳамда ансамбллар ва бошқалар), кинематография ташкилотлари ва бошқалар) маданий-томоша ташкилотлари жумласига киради.

Фаолиятининг асосий тури маданият объектларидан фойдаланишни таъминлашдан, шахснинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришдан, шахснинг ижодий қобилиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишдан, шунингдек миллий маданиятни тиклаш ва янада ривожлантиришга кўмаклашишдан, маданий мерос объектларини сақлашдан иборат бўлган маданият ташкилотлари (маданият марказлари, миллий маданий марказлар, музейлар, бадиий галереялар (кўргазмалар), кўргазма заллари, тарихий-маданий қўриқхоналар, маданият ва истироҳат боғлари, клуб муассасалари, маданият саройлари ҳамда уйлари, маданият ва санъат соҳасидаги таълим муассасалари, маданий-ахборот марказлари ҳамда маданий-маърифий марказлар ва бошқалар) маданий-маърифий ташкилотлар жумласига киради.

Моддий маданий мерос объектлари ва архитектура ёдгорликлари, қайта тиклаш (реставрация) марказлари, тадқиқот марказлари, ижодий устахоналар, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати ташкилотлари ҳамда бошқалар бошқа маданият ташкилотлари жумласига киради.

### 29-модда. Маданият марказлари

Давлат муассасаси шаклида ташкил этилган, аҳолининг маданий эҳтиёжларини ўрганиш, шунингдек маданий-маърифий ва кўнгилочар хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи, бадиий ижод, амалий санъат ва ҳаваскорлик билан шуғулланувчи юридик шахс маданият марказидир.

Маданият марказларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

аҳолига кўрсатиладиган маданий хизматлар сифатини яхшилаш, аҳолининг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлаш ва маданий эҳтиёжларини қаноатлантириш, ижодий жамоаларнинг миллий қадриятларни, урф-одатлар ва анъаналарни ўзида мужассам этган намунавий дастурларни шакллантириш;

халқ ижодиётини ва бадиий ҳаваскорликни сақлаш ҳамда ривожлантириш, бадиий ва амалий ижодий жамоаларни, ҳаваскорлик гуруҳларини ташкил этиш, уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек ижодий жараёнларни тизимли асосда бойитиб бориш;

болаларни тўгаракларга жалб этиш, уларни чет тилларга ўқитиш, «Нутқ маданияти» курсларини ташкил этиш, халқ ижодиётининг барча жанрлари ва йўналишларини, ҳаваскорлик санъатини ва номоддий маданий меросни кенг тарғиб қилиш, шунингдек уларни асл ҳолида келажак авлодга етказиш;

адабиёт ва санъат арбоблари, профессионал ижодий гуруҳлар билан бирга маънавий-маърифий ва маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш ҳамда улар иштирокида аҳоли, шу жумладан ёшлар билан ижодий учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиш;

халқ ижодиёти ва томоша санъати танловларини, туман (шаҳар) фестивалларини ўтказиш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ҳамда ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш;

оммавий байрамлар, томошалар ҳамда халқ сайилларини ташкил этиш, юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномаларга кўра ижтимоий-маданий бўш вақтни ташкил этиш соҳасида пулли хизматлар кўрсатиш.

### 30-модда. Миллий маданий марказлар

Миллий маданий марказлар тилни, маданиятни, урф-одатлар ва анъаналарни, тарихий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш, маданий ва маънавий меросни сақлаш, миллатлараро тинчлик ва тотувликни сақлаб туриш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, халқаро маданий алмашинувни рағбатлантириш, шунингдек халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг вакиллари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклида миллий маданий марказларни ташкил этиши мумкин.

Миллий маданий марказлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилигида белгиланган тартибда, чет давлатларда Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки Ўзбекистон Республикасида чет давлатлар томонидан ташкил этилиши мумкин.

### 31-модда. Театр

Театр саҳна асарларини (драма, мусиқали драма, мусиқа, рақс, қўғирчоқ, пантомима, ҳажвий ва ҳазил-мутойиба саҳна асарларини, болалар ва ўсмирлар учун, ёшларбоп, экспериментал ва бошқа асарларни) яратишни, оммавий ижро этишни ва (ёки) оммавий намойиш қилишни амалга оширадиган маданий-томоша ташкилотидир.

Театрнинг асосий вазифалари Ўзбекистон халқининг (Ўзбекистон Республикасида яшовчи миллатлар ва элатларнинг) театр маданиятини, миллий ўзини ўзи англашини ва тилларини сақлаш ҳамда ривожлантиришдан, шунингдек саҳна асарларини яратиш, оммавий ижро этиш ва (ёки) оммавий намойиш қилишдан, мазкур йўналишда инновацион лойиҳаларни амалга оширишдан иборатдир.

Театрлар бадиий йўналишларни, репертуарни танлашда, саҳна асарларини яратиш, оммавий ижро этиш ва (ёки) оммавий намойиш қилиш тўғрисида қарор қабул қилишда, шунингдек самарали ижодий жараённи ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлган, қонунчиликка зид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга оширишда эркиндир.

Саҳна асарларини яратиш, оммавий ижро этиш ва (ёки) оммавий намойиш қилиш учун чет эллик ижодкорлар шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Ҳар бир саҳна асарини саҳналаштирувчи режиссёрнинг тавсиялари асосида давлат театри раҳбари томонидан саҳналаштириш гуруҳи тузилади.

Давлат театрларида ҳар бир саҳна асари оммавий ижро этиш ва (ёки) оммавий намойиш қилиш учун тайёр эканлиги тўғрисидаги қарор театрнинг бадиий кенгаши тавсиясига кўра театр раҳбари томонидан қабул қилинади.

Давлат театрининг бадиий кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда камида уч йилда бир марта янгилаб турилади.

### 32-модда. Цирк

Цирк эстрада-цирк жанри асарларининг (акробатика, гимнастика, жонглёрлик, полвонлик, дорбозлик, қизиқчилик, фокусчилик, пантомима, олов ўйинлари, чавандозлик (от спорти тури), ҳайвонларни ўргатиш ва бошқалар) саҳна томошаларини амалга оширувчи маданий-томоша ташкилотидир.

Цирклар бадиий йўналишларни, репертуарни танлашда, эстрада-цирк жанри асарларини яратиш ва саҳналаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилишда, шунингдек самарали ижодий жараённи ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлган, қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятни амалга оширишда эркиндир.

Циркларнинг ҳайвонларни парваришлаш, ўргатиш ҳамда улар иштирокида саҳна томошаларини намойиш этишга тайёрлаш бўйича фаолиятида ҳайвонларни озиқлантириш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш нормаларига, ветеринария-санитария ва зоотехника талабларига, шунингдек хавфсизлик талабларига риоя этилиши керак.

Эстрада-цирк жанридаги асарларни яратиш ва саҳналаштириш учун шартнома асосида чет эллик ижодкорлар жалб этилиши мумкин.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

**33-модда. Концерт ташкилотлари**

Концерт ташкилоти санъат асарларини оммавий ижро этишни, бадиий жамоалар ва алоҳида ижрочиларнинг фаолиятини ташкил этиш билан шуғулланувчи ташкилотдир.

Концерт ташкилотларининг асосий вазифалари мусиқий-эстетик жиҳатдан тарбиялаш, юксак бадиий ижодий дастурларни ва алоҳида ижроларни яратиш учун шарт-шароитларни таъминлаш, профессионал бадиий жамоалар ва алоҳида ижрочилар концертларини ташкил этиш, мусиқий-маърифий фаолиятни амалга оширишдан иборатдир.

Концерт ташкилотлари ижодий дастурларни ва алоҳида ижроларни яратишда, репертуарни танлашда мустақилдир.

Ижодий дастурларни ва алоҳида ижроларни яратиш учун чет эллик ижодкорлар шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

**34-модда. Маданий-маърифий ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишлари**

Маданий-маърифий ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

халқ ижодиётини, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини, шунингдек маданий мерос объектларини сақлаш ва тарғиб қилиш;

Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган байрамларни, концертларни, ашула ва рақс байрамларини, тақдимотларни, фестивалларни, танловларни, халқ амалий ва тасвирий санъати кўргазмаларини ташкил этиш;

илмий-амалий, ахборот-услубий ишларни ташкил этиш;

маданий-кўнгилочар фаолиятнинг ва халқ ижодиётининг илғор тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш, оммалаштириш, татбиқ этиш ва тарқатиш;

энг яхши халқ ижодиёти жамоаларини вилоятлар, ҳудудлар, республика байрамларида, халқаро байрамларда, танловларда, фестивалларда иштирок этиш учун жалб қилиш орқали уларни оммалаштириш;

маданият ташкилотларининг ассоциацияларини (уюшмаларини), шунингдек маданиятни сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган инновацион лойиҳаларни, маданий тадбирлар ҳамда ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.

**35-модда. Давлат маданият муассасалари ва ташкилотларига «Миллий» ёки «Академик» мақомини бериш**

Давлат маданият муассасаларига ва ташкилотларига маданият ҳамда санъат соҳасида эришган ютуқлари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Миллий» ёки «Академик» мақоми берилиши мумкин.

**36-модда. Давлат маданият муассасалари ва ташкилотларининг аттестацияси**

Давлат маданият муассасалари ва ташкилотларининг аттестацияси улар асосий фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг тузилмаларини тартибга солиш мақсадида уч йилда бир марта ўтказилади.

Давлат маданият муассасалари ва ташкилотларининг аттестацияси тартиби қонунчиликда белгиланади.

**6-боб. Маданият ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш. Маданият ташкилотларини ассоциацияларга (уюшмаларга) бирлаштириш**

**37-модда. Маданият ташкилотларини ташкил этиш**

Маданият ташкилотлари мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида ташкил этилади.

**38-модда. Маданият ташкилотларини қайта ташкил этиш**

Маданият ташкилотларини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) улар муассисларининг (иштирокчиларининг) қарорига ёки таъсис ҳужжатларида шунга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Маданият ташкилотини қайта ташкил этиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

**39-модда. Маданият ташкилотларини тугатиш**

Маданият ташкилотларини тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**40-модда. Маданият ташкилотларини ассоциацияларга (уюшмаларга) бирлаштириш**

Маданият ташкилотлари ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларни ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида ассоциациялар (уюшмалар) шаклида жамоат бирлашмалари ташкил этиши мумкин.

Маданият ташкилотлари томонидан тузилган ассоциациялар (уюшмалар) нодавлат нотижорат ташкилотлари бўлиб, улар ўз фаолиятини таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширади.

**7-боб. Маданий фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

**41-модда. Маданий фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари**

Маданий фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

халқаро маданий алмашинув;

халқаро маданият ташкилотлари билан ҳамкорлик;

маданият объектларини ва санъат асарларини оммалаштириш.

**42-модда. Халқаро маданий алмашинув**

Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий алмашинувни ривожлантиришга кўмаклашади.

Халқаро маданий алмашинувнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

миллий маданий марказларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

маданият ходимларини ўқиш (тажриба орттириш) учун юбориш;

маданият соҳасида замонавий инновацион технологияларни, техник воситаларни яратиш ва амалда жорий этиш;

миллий урф-одатлар ва анъаналарни намойиш қилиш;

миллий маданият кунлари, кўрик-танловлар, фестиваллар, кўргазмалар, конференциялар, адабий семинарлар, гастроллар ҳамда бошқа маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

маданият ходимлари ўртасида ўзаро тажриба алмашишни ва ҳамкорликнинг бошқа турларини йўлга қўйиш.

Халқаро маданий алмашинувни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилиги билан белгиланади.

**43-модда. Халқаро маданият ташкилотлари билан ҳамкорлик**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилигига мувофиқ халқаро маданият ташкилотларининг филиаллари ҳамда ваколатхоналари ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг маданият ташкилотлари ўз таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ халқаро маданият ташкилотларига аъзо бўлиш, чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, шунингдек халқаро ва хорижий ташкилотларнинг ҳайрияларини қонунчиликда белгиланган тартибда тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

**44-модда. Маданият объектларини ва санъат асарларини оммалаштириш**

Давлат маданият объектларини ва санъат асарларини оммалаштириш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва муассасалар билан ҳамкорликда маданият объектларини ва санъат асарларини оммалаштириш мақсадида:

маданият ва санъатнинг барча йўналишлари бўйича халқаро кўрик-танловлар, фестиваллар ва кўргазмалар ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган халқаро кўрик-танловлар, фестиваллар ва кўргазмаларда иштирок этади;

чет давлатларда «Ўзбекистон маданияти кунлари»ни ташкил этади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам маданият объектларини ва санъат асарларини оммалаштириш мақсадида кўрик-танловлар, фестиваллар ва кўргазмалар ташкил этиши мумкин.

**8-боб. Якунловчи қоидалар**

**45-модда. Олис ҳудудларда маданиятни ривожлантириш**

Олис ва бориш қийин бўлган жойларда маданиятни ривожлантириш, маданият ташкилотларининг фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг эстетик эҳтиёжларини қаноатлантириш ва аҳолига кўрсатилаётган маданий хизматлар сифатини яхшилаш бўйича ишларга давлат томонидан устувор аҳамият берилади.

**46-модда. Маданий фаолият соҳасидаги фаолиятни молиялаштириш**

Маданий фаолият соҳасидаги фаолиятни молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари;

маданият ташкилотларининг ўз маблағлари;

халқаро ва хорижий ташкилотларнинг маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг (меценатларнинг) хайриялари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

**47-модда. Маданият ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш**

Маданият ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**48-модда. Маданият ходимларини рағбатлантириш**

Маданиятни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган маданият ходимлари давлат мукофотлари (премиялари) билан тақдирланиши, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа шаклларда рағбатлантирилиши мумкин.

**49-модда. Низоларни ҳал этиш**

Маданий фаолият соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

**50-модда. Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**51-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**52-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**53-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 20 январь
№ ЎРҚ—668

# МАЪНАВИЯТ

## ИМОН-ЭЪТИҚОДНИ БУТУН ҚИЛАДИ

1

Видеоселектор йиғилишида ушбу марказнинг “Маънавият тарғиботчиси” ўқув муассасаси негизида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини ташкил этиш таклифи илгари сурилгани, айтиш мумкинки, маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

Чунки ҳозирги кунда маънавият тарғиботи билан ўнлаб ташкилотлар шуғулланиб келади. Лекин уларнинг фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаётгани, ягона тизимга бирлашмагани сабабли бир-бирини такрорлаш ҳолатлари кузатиляпти. Йиғилишда бундан буён Республика Маънавият ва маърифат маркази барча ҳудудий кенгашларнинг, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириб бориши белгиланди.

Бу жараёнда марказ ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник таъминоти кескин кучайтирилиши, унинг фаолияти илмий тадқиқот ва тарғибот-ташвиқот йўналишларида қайта ташкил қилиниши фуқароларимиз интеллектуал салоҳияти ўсишига, инсон ресурслари сифати ошишига ва бу, пировардида юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда инновацион тараққиётига хизмат қилади.

Йиғилишда мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилиб, барча олийгоҳ ҳамда уларнинг филиалларида мавжуд штат бирликлари доирасида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозими жорий этилиши таъкидланди. Бундан кўзланган мақсад битта — эркин фикрлайдиган, ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушуниб етадиган, ватанпарвар, миллий ифтихор руҳида камол топган инсонни тарбиялаш.

Яна бир муҳим жиҳат. Бугун мактабларда ёшларга таълим ва тарбия бериш билан бир қаторда, уларга маърифат ҳамда маънавиятни чуқур ўргатиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Бунда жойларда яшаб ижод қилаётган профессор-ўқитувчилар ва ижодкорларни жалб қилиш, уларнинг тажрибаси, ижоди ҳамда истеъдодидан унумли фойдаланиш юқори самара бериши тайин.

Мухтасар айтганда, маънавият — энг муҳим ва ҳамма шуғулланиши керак бўлган масала ҳисобланади. Шундай экан, маҳаллаларга янги нур, янги зиё кириб бориши ҳар бир раҳбар ҳамда депутатнинг ҳам асосий ишига айланиши лозим. Зеро, бугун ҳар қандай давлат, ҳар қайси халқ интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратли бўлиши, тараққиёт сари дадил одимлаши тобора ойдинлашиб бормоқда.

**Фахриддин САМАДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҚОНУНЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

1

Ҳукумат томонидан парламент сўровига жавоблар тақдим этилди. Жавобда илм-фан ва илмий фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, жумладан, давлатимиз раҳбарининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тасдиқланганлиги маълум қилинган. Унга кўра, 2020 йилдан бошлаб докторантурага тайёрлов босқичи сифатида стажёр-тадқиқотчилик институти жорий қилинган, илмий салоҳияти нисбатан паст бўлган олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар учун мақсадли докторантура йўлга қўйилган.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш бўйича олий таълим муассасаларининг 144 нафар битирувчиси тегишли илмий ташкилотларга илмий ходим сифатида ишга жойлашган.

Шу билан бирга, парламент сўровида айрим бандлар ижроси етарли даражада акс эттирилмаганлиги, мазкур бандлар ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тегишли топшириқлар бериш режалаштирилгани қайд этилди.

* * *

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг видеоконференцалоқа шаклидаги мажлисида “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Амалдаги Қонун 2000 йилда қабул қилинган бўлиб, сўнгги йилларда аудит бозорида рўй берган ислоҳотлар туфайли унинг тўғридан-тўғри амал қилиш сифати пасайиб, самарасиз, бугунги талабларга тўлиқ жавоб бермайдиган ҳолга келган.

Янги қонун эса иқтисодиётни либераллаштиришда институционал ўзгаришларнинг чуқурлашувида муҳим ўрин тутиши, халқаро принциплар ва илғор хорижий тажрибалар асосида аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун билан аудиторлик фаолияти фақат Аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга оширишга ўтказилмоқда. Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши зарур бўлган ижтимоий аҳамиятга эга ташкилотлар рўйхати ҳам шакллантириляпти.

Мажлисда сенаторлар республиканинг айрим туман ва шаҳарларини 2020 — 2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари дастурларининг 2020 йилдаги ижросини ўрганиш натижалари тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИНИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМИСИЗ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

1

Лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги — йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги билдиришнома расмийлаштирилиши муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод этиш нормаси ҳамда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунга “йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги билдиришнома” деган тушунча киритилмоқда.

Шунингдек, тан жароҳати билан боғлиқ бўлмаган йўл-транспорт ҳодисасини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими иштирокисиз расмийлаштириш асослари, қоидалари ва тартиби аниқ белгиланяпти.

Тан жароҳати билан боғлиқ бўлмаган йўл-транспорт ҳодисаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими иштирокисиз расмийлаштириш тартиби хорижий мамлакатлар, хусусан, Россия, Беларусь, Украина, Франция ва Бельгия каби давлатларда амал қилади.

Тадбирда қайд этилганидек, йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими иштирокисиз расмийлаштириш тартибини (Европротокол) жорий этиш йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ва ҳайдовчилар ўртасидаги бевосита мулоқотни амалга оширишда ортиқча қоғозбозликка, фуқароларнинг сарсон бўлишига чек қўяди.

Якунда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ БЎЛИШ

## қалбларни ғурур ва ифтихорга тўлдиради

1

Республикамизда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш юзасидан янги тартиботлар амалда қўлланмоқда.

Хусусан, фуқароларимиз 2021 йил 1 январдан бошлаб, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга туриш юзасидан ўзларига қулай бўлган туман (шаҳар) ички ишлар органлари ёки давлат хизматлари марказларига мурожаат қилишлари мумкинлиги таъминланди.

Фуқароларнинг доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан истиқомат қилиш муддати 10 кундан 15 кунга узайтирилди, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш бир кун ичида расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда аввалги доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқиш тартиби, шунингдек, рўйхатга олинишини расмийлаштиришда паспорт, уй дафтари ёки хонадон карточкасига рўйхатга олиш штампини босиш амалиётлари бекор қилинди.

Эндиликда 2021 йилнинг 1 январь санасидан бошлаб, янада қулайликлар яратиш ҳамда юртимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини кўтариш мақсадида аҳолига идентификация “ID-карта” расмийлаштириш тартиби йўлга қўйилди.

Президентимизнинг ўтган йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизнинг яқин йиллардаги тараққиёт йўли ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган кўплаб долзарб ва муҳим вазифалар белгилаб берилган эди.

Жумладан, ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ўтган йилнинг 13 март куни ушбу ҳужжат қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тартибига қадар фуқаролиги бўлмаган шахс учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси асосида яшаб келаётган кишилар истак билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, деб тан олиниши белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, 1995 йил 1 январь кунига қадар юртимизга кўчиб келиб, доимий рўйхатдан ўтган 22 мингдан зиёд фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакат фуқаро-

> **2021 йилнинг 1 январь** санасидан бошлаб, янада қулайликлар яратиш ҳамда юртимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини кўтариш мақсадида аҳолига идентификация “ID-карта” расмийлаштириш тартиби йўлга қўйилди.

таомиллари либераллаштирилди ҳамда боланинг фуқаролик соҳасидаги ҳуқуқлари мустаҳкамланди.

Энг муҳими, янги таҳрирдаги Қонунга 1995 йилнинг 1 январига қадар мамлакатимиз ҳудудида доимий рўйхатдан ўтиб, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси билан яшаб келаётганларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш тартиби ҳам киритилди. Яъни 1995 йил 1 январга қадар мамлакатимиз ҳудудига кириб келиб, доимий пропискадан ўтган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда ушбу Қонун кучга кирлигига тан олиш бўйича ҳужжатлари кўриб чиқилиб, улардан 19 мингдан ортиғига Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти билан ҳужжатлаштириш чоралари кўрилди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва шу орқали халқимизга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида фуқароликнинг йўқлиги тенг ҳуқуқлилик, ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига, қатор ижтимоий муаммоларга олиб келиши инобатга олиниб, фуқаросизликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган туб ислоҳотларни изчил давом эттириш вазифалари белгилаб берилди.




Шу мақсадда 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ва бошқа давлат фуқаролигини қабул қилмаган шахсларни ҳамда мамлакатимиз ҳудудида узлуксиз 15 йил давомида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда туриб, фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномаси ёки идентификация ID-картаси асосида истиқомат қилиб келаётган ҳамда чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, деб тан олиш таклиф этилди.

Ҳозирги кунда ушбу вазифалар ижроси доирасида Ички ишлар вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

**Ушбу муҳим ва ҳаётий таклифнинг амалиётда жорий этилиши натижасида 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ва ҳозир ҳам истиқомат қилиб келаётган 20 минг 570 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, деб тан олинади.**

Шунингдек, **ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳар йили тахминан 1,5 минг фуқаролиги бўлмаган шахснинг республика ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган муддатига 15 йил тўлишини инобатга олсак, ушбу тоифадаги шахсларни ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, деб тан олиш имконияти яратилади.**

Эътироф этиш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳада олиб борилаётган туб ислоҳотлардан Ўзбекистонда туғилиб-ўсган бўлса-да, айрим сабабларга кўра фуқаролик паспортига эга бўлмаган одамлар чексиз миннатдор. Муҳими, улар кўнглининг бир четидаги армон тугунлари ечилмоқда. Зеро, фуқаролик паспортига эга бўлиш орқали ҳар қандай инсон бошини дадил кўтариб, жонажон Ватанимиз — Ўзбекистоннинг ҳақиқий фуқароси эканлигидан қалби ғururга тўлади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# СЕНАТОР БЎЗОТОВ ТУМАНИДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Борий Алихонов Қорақалпоғистон Республикаси Бўзотов туманида Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.*

## Қарор ва ижро

Хусусан, сенатор тумандаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири — “Boz-tex” текстиль фабрикасида бўлиб, ишчиларга яратилган шароит ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини кўздан кечирди.

Фабриканинг лойиҳа қиймати 11 миллиард сўм бўлиб, 158 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. 2020 йилда корхона томонидан 420 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Бундан ташқари, Сенат аъзоси туманда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган “Bozataw simmental” МЧЖда бўлиб, истиқболли режалар билан танишди. Тумандаги “Қусқанатов” овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган мазкур йирик чорва комплекси учун банк томонидан 18 миллиард сўм кредит ажратилган.

Жами 500 бош наслли қорамолларни боқишга мўлжалланган ушбу чорва комплексига бугунги кунда Нидерландия давлатидан 264 бош “Голштейн” наслли моллар, Туркия давлатидан зарур асбоб-ускуналар олиб келинди. 12 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, сенатор туманда ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар, жумладан, ўқув марказлари, IT-парк фаолиятини кўздан кечирди. Айни чоғда туманнинг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган “Аспантай” овул фуқаролар йиғинида аҳоли яшаш шароити билан танишди ва муаммоларини ўрганди.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси жамоаси меҳнат фахрийси

**Муртазо СУЛТОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси университет ректори, профессор Иномжон Мажидовга отаси

**Уришбой МАЖИДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ЯНГИ РЕНЕССАНС ДАВРИ САРИ ҲАРАКАТЛАР АЛГОРИТМИ



1

## Таъсирчан кўмак

Дарҳақиқат, пандемия бизни жипслаштирди, аниқ ва дадил ҳаракатланишга, одамлар ҳаёти ҳамда хавфсизлиги учун курашда ҳар бир кичик омилни ҳам ўз вақтида ҳисобга олишга ўргатди. Президент ташаббуси билан соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя йўналишларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамиятини ўз яқинларимиз, таниш ҳамда нотаниш инсонларнинг ҳаёти мисолида баҳолай олдик. Ушбу курашга барча ресурслар жалб этилган, аниқ стратегия ишлаб чиқилган ва қадамлар белгиланган, давлат, хусусий сектор ҳамда жамоатчиликнинг аҳоли билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Ана шундай қийин вазиятда, турли сабабларга кўра, Ватандан ташқарида бўлган ҳамюртларимиз ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Айрим мамлакатлардан фарқли равишда, бизнинг давлатимиз ўз фуқароларини тақдир ҳукмига ташлаб қўймади, балки ўз уйларига қайтариш ҳақида қайғурди. Меҳнат мигрантлари учун чартер рейслар ташкил этилди, уларни соғломлаштириш чоралари кўрилди. Шу туфайли минглаб ватандошларимиз оиласи бағрига қайтди. Шавкат Мирзиёевнинг топшириғи билан "Меҳр-3" операцияси амалга оширилиб, жанговар ҳаракатлар давом этаётган Суриядан аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келинди. Бунга пандемия ҳам тўсиқ бўла олмади. Машаққат, азоб-уқубатни бошидан кечирган бу инсонлар уйга қайтганида қандай туйғуларни ҳис қилганини тасаввур этиш қийин эмас. Негаки, мураккаб шароитда ҳам Ватан уларни унутмади, улардан юз ўгирмади, балки ёрдам кўрсатди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож юртдошларимиз қўллаб-қувватланди. 800 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга 1 триллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Пандемия жиддий қийинчиликлар туғдирган тадбиркорлик соҳаси вакилларига турли субсидия, тўловларни кечиктириш каби имтиёзлар тақдим этилди.

Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти эксперти Сюэ Фуци эътирофига кўра, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда бизнес, хусусий капитал ва жамиятнинг фаол иштироки таҳсинга лойиқ. Ўзбекистоннинг ўтган йилги ривожланиш кўрсаткичлари Ҳаракатлар стратегияси доирасида бундан тўрт йил муқаддам бошланган ислоҳотлар ўзини тўла оқлаганини тасдиқлади.

***— Агар Ўзбекистон раҳбари шундай қатъий қадамни қўймаганида, мамлакат пандемия оқибатларини бу қадар самарали енгиб ўтолмасди, — дейди хитойлик эксперт.***

Пандемия даврида касаллик тарқалишининг олдини олиш учун тезкор ва кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Уларнинг бевосита иштирокчиси сифатида ушбу чора-тадбирларнинг таъсирчанлиги, осойишта ҳаёт ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаб берганига амин бўлдик. Халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар томонидан кўрсатилган амалий ёрдам ҳам самарали бўлди. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам уларнинг кўпчилигига кўмак кўрсатди.

## Устунлик синдромидан воз кечиш вақти келди

Стратегик ҳужжат — Мурожаатномада Президент мамлакатимизнинг кейинги тараққиёти, ички ва ташқи сиёсатидаги муҳим вазифаларни белгилаб берди. Уни синчиклаб ўрганган киши, албатта, ҳар бир тадбир моҳиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси, қонун устуворлигини таъминлаш марказий ўрин эгаллашини англаб етади. Рўёбга чиқарилаётган ишларда очиқлик ва шаффофлик, адолат тамойиллари асос бўлиб хизмат қилади. Бунда ҳал этувчи ролни суд ҳокимияти ўйнайди.



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

Кези келганда айтиш жоиз, 2016 йилдан бери суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш доирасида 40 дан ортиқ қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Кейинги тўрт йил тажрибаси шуни кўрсатдики, Президент Мурожаатномаларидаги бирорта сўз амалий ҳаракат билан исботланмай қолмади. Бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди. Шундай экан, давлат, жамият, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари олдида суд ҳокимияти тизими ва жазони ижро этиш соҳасида инсонпарварлик тамойилини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар турибди.

Биз, шунингдек, мамлакатда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирларнинг самарали бўлишига ишонамиз. Бу мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир маҳаллада осойишта муҳитни яратиш, ҳудудларни фавқулодда ҳодисалардан асраш тизимини такомиллаштириш каби ишларда намоён бўлаётир.

Мурожаатномада Президент Шавкат Мирзиёев давлатимиз олиб бораётган очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсатни инобатга олиб ҳамда узоқ муддатли стратегик мақсадларимиздан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси такомиллаштирилишини айтиб ўтди. Шунингдек, ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ҳамда ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш, асосий хорижий шерикларимиз ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш каби вазифаларга алоҳида урғу берилди.

Ҳеч шубҳа йўққи, қўшни Афғонистонда ниҳоят узоқ кутилган тинчлик ўрнатилиши учун ҳар томонлама кўмак кўрсатиш ишлари давом эттирилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам доим эътибор марказида бўлиши таъкидланди.

Эзгу мақсадларга эришишимизда инсон ҳуқуқларини, сўз ва диний эркинликни таъминлаш, жамиятимизда миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда Президентимиз 30 июль кунини Ўзбекистонда "Халқлар дўстлиги куни" деб белгилаш ҳақида таклиф киритди. Бу таклиф нафақат Ўзбекистонда, балки ундан ташқарида ҳам қўллаб-қувватланди.

Парламентга йўлланган Мурожаатномада минтақамиз ва бутун дунёда экологик вазиятни яхшилаш борасида илгари сурилган тадбирлар ҳам экспертлар томонидан чуқур ўйланган ва инсонпарварлик тамойилларига мос, дея баҳоланмоқда.

Бу йил мамлакатимиз катта сиёсий воқеа — Президентлик сайлови арафасида турибди. Ва шундай масъулиятли даврда "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган умумий мақсад атрофида жипслашишимиз, айниқса, муҳим. Шундагина бўлажак сайловни миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида уюштира оламиз. Бу йўналишда биз, журналистлар ҳам фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқараши, қатъияти юксалиб боришига ҳисса қўшишимиз керак бўлади.

ОАВ олдида турган вазифалар ҳақида сўз борар экан, улар Президент Мурожаатномасида аниқ-равшан ва лўнда тарзда акс эттирилганини айтиш лозим. Энг аввало, жамиятда мавжуд бўлган, айрим раҳбар ходимларнинг малакаси етишмаслиги, расмиятчилик, коррупция, лоқайдлик сингари хато-камчиликларни кўрсатиш, уларга эътиборни қаратиш биз учун муҳимдир.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, кучли ва самарали бошқарув тизимига, бир ёқадан бош чиқариб яшайдиган аҳолига эга бўлган давлатларгина пандемиянинг кенг тарқалиш хавфини ўз вақтида бартараф этишга қодир бўлади. Ана шу тамойилларга Президент томонидан эълон қилинган — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида ҳам оғишмай риоя қилишимиз зарур.

***— Бундан-да долзарброқ вазифа йўқ, чунки республиканинг келажаги айнан ёшлар билан боғлиқ, — дейди мамлакатимизда жорий йилнинг номланишини шарҳлар экан Ўзбекистон ва Испания ўзаро алоқаларини ривожлантириш ассоциацияси президенти Фернандо Морагон. — Бу кенг миқёсли ислоҳотлар даври бўлиб, уларни амалга ошириш "Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади" шиори остида ўтади. Давлат раҳбари бир неча бор таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг кўп босқичли ва давомийлигини таъминлаш заруратига эътибор қаратди.***

Экспертнинг сўзларига кўра, Ўзбекистон раҳбари унда бир қатор муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурди.

"Европа устунлик синдромидан мутлақо воз кечиб, тақдирга тан берса ва Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга назар солса, тўғри бўларди", дея хулоса қилади у.

## Улуғвор мақсадлар — ютуқлар омили

Ютуқларга қандай эришса бўлади, деган савол ҳамиша инсонларни ўйлантириб келган. Ўз-ўзидан тушунарли: биринчи галда астойдил меҳнат қилиш лозим. Бу қоида муайян бир шахс ёки ижтимоий гуруҳ, бутун жамият ёки давлат учун адолатли бўлса-да, тугал эмас. Ҳаёт кўрсатадики, фақат саъй-ҳаракатларнинг ўзи самарали бўла олмайди. Бундан ҳам муҳими — олдимизга қўйилган мақсад.

> *Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасини янги Уйғониш даври сари ҳаракатлар алгоритми, деб қабул қилиш лозим. Унда ана шу йўлнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа қисмлари баён қилинган. XXI асрда илм-фан молиявий қўйилмаларга муҳтож, инновацияларни эса мамлакатлараро муносабатлардаги илиқлик ва барқарорликсиз тасаввур қилиш қийин. Илмий фикр фақат осойишта ижтимоий заминда ривожлана олади. Тўғри, бусиз ҳам заминимизда янги мутафаккирлар дунёга келиши мумкин. Аммо гап бутун мамлакат учун мўлжалланган хайрли мақсад ҳақида борар экан, Президентимиз айтганидек, янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ҳамда шароитларни яратишимиз керак.*

Президент Шавкат Мирзиёев улкан мақсад қўймоқда, у ҳам бўлса — мамлакатимизда учинчи Ренессансга пойдевор яратиш. Биринчи ва иккинчи Уйғониш даврларидаги ақл-идрок ва ижодий қудрат, илғор ғоялар ҳамон дунёни ҳаракатга келтирмоқда. Ўша даврларда ҳам мавжуд ҳолатни тўлиқ ўзгартиришга қодир шахслар бўлган, ноанъанавий фикр ва ғоялар эса сайёрамизни тараққиёт сари ҳаракатлантирган. Ҳеч шубҳасиз, бу янги тарихий жараёнда ҳам она юртимизда янги ўзгаришни амалга ошириш учун барча шарт-шароит, етарли куч ва ирода мавжуд.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасини янги Уйғониш даври сари ҳаракатлар алгоритми, деб қабул қилиш лозим. Унда ана шу йўлнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа қисмлари баён қилинган. XXI асрда илм-фан молиявий қўйилмаларга муҳтож, инновацияларни эса мамлакатлараро муносабатлардаги илиқлик ва барқарорликсиз тасаввур қилиш қийин. Илмий фикр фақат осойишта ижтимоий заминда ривожлана олади. Тўғри, бусиз ҳам заминимизда янги мутафаккирлар дунёга келиши мумкин. Аммо гап бутун мамлакат учун мўлжалланган хайрли мақсад ҳақида борар экан, Президентимиз айтганидек, янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ҳамда шароитларни яратишимиз керак.

Таълим тизимининг асосини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистонда анчагина ишлар қилинди. Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир неча баравар ортди. Мактаб таълимида катта ўзгаришлар амалга оширилиб, ихтисослаштирилган ва Президент мактаблари очилди. Янги олий таълим муассасалари ва хорижий университетларнинг филиаллари фаолияти йўлга қўйилиши ҳисобига талабалар сони ҳам кўпайди.

Шу кунларда пойтахтимизда Президент университети ташкил этилиши ҳақидаги яна бир қувончли хабарни эшитдик. Унда саккиз минг нафар талаба учун оксфордча таълим жорий қилинади, хориждан таклиф этилган мутахассислар дарс беради. Шу ҳисобдан нафақат олий таълимда рақобатни кучайтириш учун шароит яратилади, балки иқтидорли ёшларимизнинг чет элга таълим олиш учун бориб, у ерда қолиб кетишларининг олди олинади.

Президент жуда долзарб муаммони кўтарди. Афсуски, кўпгина истиқболли ёшлар хорижий давлатларга ўқишга кириб, Ўзбекистонда ўз келажагини яхши тасаввур қилолмагани учун ортга қайтмаяпти. Демак, ҳар бир салоҳиятли бўлғуси олим, муҳандис, шифокор, конструктор учун "ўша ерда"гидан кам бўлмаган шароитларни яратиб, улар учун "курашиш" керак экан.

Бу ишни, табиийки, бошланғич босқичдан бошлаш муҳим. Юқорида айтилганидек, мактабгача, мактаб ва олий таълимда ислоҳотлар натижасини бера бошлади. Бу ишни зинҳор тўхтатиб қўйиш мумкин эмас.

Шу билан бир қаторда, боланинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган мактабдан ташқари таълимни ҳам кучайтиришимиз керак. Кўплаб ривожланган мамлакатларда болаларнинг дарсдан сўнг хорижий тиллар, ўлкашунослик тўгараклари, спорт секцияларига қатнаши одатий ҳол. Бизда эса бу ҳозирча фақат имконияти борлар учун қўшимча машғулот ҳисобланади. Қишлоқ жойларда ҳатто эришиб бўлмас орзудай туюлади. Аслида, боланинг вақтни беҳуда ўтказмасдан, фойдали ва қизиқарли билимларни олиши давлат ва жамият учун ютуқдир.

Донишманд халқимиз "Бекорчидан Худо безор", деб бежиз айтмаган. Тайинли иши, ўқиши бўлмаган ёшлар оддий айтганда, ўйин-кулги билан андармон бўлади. Ўйиндан баъзан "ўт чиқиши"ни эса ҳаётда неча бор кўриб келяпмиз.

Умр йўлларида адашиб, улоқиб кетаётган, билиб-билмай ёт оқимлар таъсирига тушиб қолаётган йигит-қизлар ҳам вақтида эътиборсиз қолгани, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатилмагани оқибатидир.

Ахборот оқими ҳар қандай чегарани тан олмаётган бугунги техника асрида ёшларнинг онгу дунёқарашини асраш, уларни таълим ва меҳнатга, фойдали юмушларга жалб этиш, қалбларида эзгулик, бунёдкорлик, яратувчанлик туйғуларини қарор топтириш долзарб масалага айланган.

Таассуфки, бугун ота-оналарнинг, таълим-тарбияга мутасадди ташкилотларнинг ёшларни эзгу мақсадларга рағбатлантириш борасидаги ишларидан доим ҳам кўнгил тўлавермайди.

Айрим ўқувчилар назоратсизликдан мактаб остонасини хатлабоқ, интернет-кафега шошади. Университет ҳудудидан чиққан баъзи талабалар ҳам олган назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашни эмас, курсдошлари билан ўйин-кулги қилишни ёки ётоқхонасига келиб, дарс давомида машғул бўлган телефонидаги ўйинни давом эттиришни маъқул кўради. Бу, бир томондан, ўша ёшдаги мустақил фикрнинг, ҳаётий позициянинг мустаҳкам эмаслигини англатса, иккинчи томондан, у билан ишлайдиган ташкилотлар, ота-она масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш зарурлигини кўрсатади.

## Ёндашувлар ўзгариши

Фарзандларни кутубхоналарга жалб қилиш ҳақида ҳам чуқурроқ ўйлаш вақти келди. Ҳатто, етакчи олий ўқув юртларида ҳам, туман марказларида ҳам кутубхоналар бўм-бўш... Уларда қандайдир сукунат ҳукмрон бўлиб, интернетнинг шўх ва ранг-баранг олами билан рақобат қила олмайди. Аянчли бўлса-да, тан олишга тўғри келади: кутубхонага ўз хоҳиши билан кирувчи ёшларни камдан-кам учратяпмиз. Қишлоқдагина эмас, балки пойтахтда ҳам кутубхона остонасига қадам босмайдиганлар истаганча топилади. Ва... бунда уларнинг айби йўқ.

Бундай ёндашув билан инновациялар ҳукмрон жамиятни қуриб бўладими? Ёндашувни тубдан ўзгартиришга тўғри келяпти — кутубхонага кирувчини табассум билан кутиб олувчи ходимлардан тортиб, то ёшларга хос муҳит яратишгача. Бола кутубхонага бормаяптими, демак, унинг ўзи болага қараб ҳаракатланиши керак.

Замонавий кутубхона — фақат китоб олиш учун бориладиган жой эмас. Улар мулоқот марказига айлансин, токи тенгдошлар у ерда учрашишсин, интернетда "ўтирсин", шаҳар шовқинидан дам олсин. Кейин қўлига китоб олсин. Шундай қилиб, вақтни ёқимли ўтказиш ва китобхонлик ўртасида боғлиқлик пайдо бўлади.

Яна бир фикр. Кутубхонада карточка, абонемент учун ва бошқа тўловларни ҳам бекор қилиш керак. Ўсиб келаётган ёш авлод қалбида китобга муҳаббатни пайдо қилиш — мамлакатимиз келажагига дахлдор масала. У орқали пул ишлаш эмас, аксинча, маблағни аямасдан ажратиш лозим. Масалан, АҚШдаги Гарвард университетининг ўзида 80 та кутубхона мавжуд бўлиб, уларда овқатланиш мутлақо текин. Бу ёшларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларни кутубхоналарга жалб этишга ҳам хизмат қилади. Бизда ҳам зиё масканларида ҳар қандай тўловни бекор қилиб, аксинча, бонуслар дастурлари, керак бўлса, бюджет ҳисобидан бепул тушлик ва ичимликлар жорий этиш мақсадга мувофиқ. Яъни болани шу бинога, китоблар оламига ошно қилиш йўлларини изламоқ лозим.

Энг муҳими, кутубхонага боришни одатга айлантирган ёшлар дарсдан кейин ҳам назоратсиз қолмайди. Қолаверса, китоблар оламига кирган инсон тез орада мутолаанинг дунёдаги энг севимли машғулот эканини билиб олади. Китоблар самимий дўст, ақл чироғи, кўнгил ҳамдами эканини англайди. Билимлар манбаини доимий ҳамроҳига айлантирган инсон эса тўғри йўлдан оғишмайди, оқ билан қора, яхши билан ёмон орасидаги фарқни теранроқ ажрата олади.

Шу билан бир қаторда, маънавиятимизнинг "кўринмас" жонкуярлари бўлган кутубхоначиларни рағбатлантириш масаласи ҳам муҳим. Зеро, китобхонликни оммавийлаштириш учун, аввало, китобга меҳр қўйган, ҳаётини мутолаа тарғиботига бағишлаган одамларни қадрлашимиз керак.

Шунингдек, уйда кутубхона ташкил этишни қўллаб-қувватлаш ҳам долзарб масала. Китобхонлар танловини ўтказиш яхши анъанага айланган эди, буни давом эттириш лозим. Китоб маҳсулотларининг нархини арзонлаштириш учун субсидиялар ажратилса, натижа яна ҳам яхшироқ бўларди.

Бунга илмий асос ҳам бор. Масалан, Австралия миллий университетининг бир гуруҳ олимлари 31 та давлатдан 160 минг киши ҳақидаги маълумотларни тўплашган. Хулосалар шуни кўрсатадики, боланинг ҳаётдаги муваффақиятлари ота-онанинг уйда ташкил қилган кутубхонаси билан бевосита боғлиқ экан. Кутубхона ҳажми мактабдаги ўзлаштириш даражасига ижобий таъсир кўрсатиши ҳам исботланган. Бу ҳолат ҳар қандай мамлакат учун бир хил бўлиб, фарзандларнинг саводхонлиги ва касбий маҳорати ортишини тўғридан-тўғри рағбатлантиради.

***Тадқиқот раҳбари, профессор Джоанна Сикора таъкидлашича, уйдаги жавонда 80 тадан кам китоб бўлса, бола "уч-тўрт" баҳоларга ўқир экан. Ундан кўп бўлса, саводхонлиги ўртадан юқори даражада бўлар экан. 350 та ва ундан ортиқ китоб мавжуд бўлган хонадонда ўсган фарзанд эса олим бўлиб етишаркан. Китоб мутолааси боланинг когнитив имкониятлари, кўникмаларини оширади, луғат бойлигини кенгайтиради, тажрибасини, ақлий салоҳиятини ўстиради, дейди олимлар. 45 та китоб ўқиган бола ўзининг китоб ўқимайдиган тенгдошидан уч марта саводлироқ бўлади.***

Натижалар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Китобхон оиладан чиққан 9-синф ўқувчиси ўзининг саводхонлиги, ҳисоблаш ва бошқа қобилиятлари билан кам китоб ўқийдиган университет битирувчисига тенглаша олади.

Олимлар таъкидлашича, уй кутубхонасининг бойлиги рақамли саводхонликка ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Китобни севувчи болалар ҳам, катталар ҳам ахборот-коммуникация технологияларини тезроқ эгаллашар экан. Мутахассислар шундай хулосага келишди: кўпчилик қоғоздаги босма китобларни энди истеъмолдан чиқаришга ҳаракат қилаётганига қарамай, у электрон китобга нисбатан анча афзал. Негаки, матнни айнан қоғоз китобдан ўқиш маълумотларни яхшироқ тушуниш ва эслаб қолишга ёрдам беради.

Китоб билан дўст бўлиш таълим йилларини кўпайтиради, деган фикр ҳам бор. Кўп китоб ўқиш инсон учун бир умрлик хазина, афзалликдир — бу Президентимиз Мурожаатномасида ҳам акс этган. Тошкент шаҳри марказида барпо қилинадиган маданий-маърифий мажмуа таркибига театр, санъат музейи билан бир қаторда, замонавий кутубхона ва Алишер Навоий номидаги халқаро ижод мактаби ҳам киради.

Ушбу зиё масканлари ёшларнинг буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганишларига, уларда фахр-ифтихор туйғуларини юксалтиришга, маънавиятини бойитишга хизмат қилади. Ўзлигини англаган, миллий ғурури уйғоқ, етук билим ва салоҳиятга эга авлод эса мамлакатимиз тараққиётида ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқади.

Президентимизнинг "Жаҳон тарихи шундан далолат берадики, ҳар қандай янги цивилизация, янги Уйғониш даври китоб ва кутубхоналардан бошланади", деган фикрлари замирида ҳам ана шундай эзгу умид, мақсад ва интилиш мужассамдир.

Мухтасар айтганда, Президентимиз томонидан Мурожаатномада учинчи Ренессанс даврига олиб борадиган йўл, ҳаракатлар алгоритми аниқ-тиниқ қилиб белгилаб берилдики, бутун халқимиз билан бир бўлиб, ана шу мақсадни юзага чиқаришга ҳам бурчлимиз, ҳам қодирмиз. Зеро, томиримизда иккита Шарқ Уйғонишига асос солган улуғ алломаларнинг қони жўш уриб оқмоқда.

**Ўткир РАҲМАТ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 30 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6